

Ҳожи биродаримга түхфа

ҚУРЬОНИ КАРИМДАН
ВА САҲИХ СУННАТДАН

100 ДУО



Куръон оятлари ҳамда Бухорий,
Муслим ва бошқа машҳур муҳаддислардан
келган сахиҳ ҳадислардан жамланди

ҚУРЪОНИ КАРИМДАН ВА САҲИҲ СУННАТДАН

100 ДУО



Куръон оятлари ҳамда Бухорий,
Муслим ва бошқа машҳур
муҳаддислардан келган сахиҳ
ҳадислардан жамланди

| | |
|--------------|---|
| Китоб: | Қуръони Каримдан ва саҳих суннатдан 100 дуо |
| Муаллиф: | Шайх Мұхаммад Солиҳ |
| Саҳифа сони: | 96 бет |
| Нашр: | Биринчи |
| Адади: | 10000 дона |
| Тарих: | 1443 ҳ. – 2022 м. |
| Telegram: | https://t.me/haramaynbot |

МУНДАРИЖА

| | |
|---|----|
| Аллоҳга дуо қилишда Аллоҳнинг исм ва сифатларини васила қилиш..... | 5 |
| Аллоҳдан жаннатни сўраш ва жаҳаннамдан паноҳ тилаш | 11 |
| Аллоҳдан раҳмат ва мағфират сўраш..... | 15 |
| Аллоҳ таолодан ҳидоят ва динда событқадамлик сўраш | 29 |
| Аллоҳдан дунё ва охират яхшиликларини тилаш | 38 |
| Ота-она, аҳли-оила ва фарзандлар ҳаққига дуо қилиш | 47 |
| Аллоҳдан дунё ва охират саодатини сўраш | 51 |





| | |
|---|----|
| Аллоҳдан оламнинг ва одамларнинг аҳволини ислоҳ қилишини сўраш | 59 |
| Аллоҳдан афву-офият сўраш | 66 |
| Руҳий ва баданий оғатлардан паноҳ сўраш..... | 71 |
| Фитналардан паноҳ тилаш..... | 82 |
| Аллоҳдан муҳофаза ва нусрат сўраш | 86 |



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Барча ҳамду санолар дуогүй бандаларининг дуоларини ижобат қилувчи Аллоҳ таолога хосдир. У Зотнинг бандаси ва У Зотга энг чиройли дуолар қилган Расули Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи вассалламга салавот ва саломлар бўлсин.

Қўлингиздаги ушбу китобча қисқа ва ҳикматли дуолар жамланмасидир. Унда еру-осмоннинг Раббига илтижо қилиш учун оятлардан танланган, ривоятлардан жамланган, авловиётга эътибор қаратилган дуолар мавжуд. Буни мусулмон биродарларим учун ҳозирладим ва Аллоҳ таолодан фойдали қилишини сўрайман.

Шу ўринда эслатиб ўтиш лозимки, киши ҳокисорлик, синиқлик, ўзини паст олиб, махфий ҳолда ва Аллоҳ таолога сано айтиб, У Зотнинг неъматларини тан олиб, гуноҳларга иқрор бўлиб, қатъиятни жамлаб ҳамда бутун қалби билан ҳамма



нарсани унутиб дуо қилар экан, бундай дуо ижобат бўлишга лойиқдир. Аллоҳ эшитгувчи ва билгувчидир!

Шайх Муҳаммад Солих



АЛЛОҲГА ДУО ҚИЛИШДА АЛЛОҲНИНГ ИСМ ВА СИФАТЛАРИНИ ВАСИЛА ҚИЛИШ

«اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ بِإِنَّ لَكَ الْحَمْدَ، لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ الْمَنَانُ، بَدِيعُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ، يَا ذَا الْجَلَالِ وَالْإِكْرَامِ، يَا حَيُّ، يَا قَيْوُمُ». *

«Аллоҳим! Сенга ҳамд бўлгани учун Ўзингдан сўрайман! Сендан ўзга барҳақ маъбуд йўқ. Ал-Маннон. Сен осмонлару ерни йўқдан бор қилувчи, тенги йўқ қилиб яратувчисан! Ё Зул-Жалаливал-Икром! Ё Ҳайй, ё Қойюм!».*

* Сунани Абу Довуд, 1495. Ҳадис ҳукми: «саҳиҳ». Манба: «Саҳиҳи Сунани Абу Довуд, 1495». [Расулуллоҳ ﷺ: «Шубҳасиз у Аллоҳга сўралса берадиган, дуо қилинса ижобат қиласиган буюк исми билан дуо қилди», деганлар].



«اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ أَنِّي أَشْهَدُ أَنَّكَ أَنْتَ
اللَّهُ، لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ، الْأَحَدُ الصَّمَدُ الَّذِي
لَمْ يَلِدْ، وَلَمْ يُوْلَدْ، وَلَمْ يَكُنْ لَهُ كُفُواً أَحَدٌ».

«Аллоҳим! Мен Сендан сўрайман. Албатта, мен Сенинг Аллоҳ эканингга, Сендан ўзга барҳақ маъбуд маъбуд йўқлигига, Сенинг Аҳаду Сомадлигиннга, туғмаган ва туғилмаган ҳамда тенги йўқ Зот эканингга шаҳодат келтираман». *

«اللَّهُمَّ لَكَ الْحَمْدُ، أَنْتَ قَيْمُ السَّمَاوَاتِ
وَالْأَرْضِ وَمَنْ فِيهِنَّ، وَلَكَ الْحَمْدُ، لَكَ
مُلْكُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَمَنْ فِيهِنَّ، وَلَكَ

* Сунани Абу Довуд, 1493. Ҳадис ҳукми: «саҳиҳ». Манба: «Саҳиҳи Сунани Абу Довуд, 1493».



الْحَمْدُ، أَنْتَ نُورُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ، وَلَكَ
 الْحَمْدُ أَنْتَ الْحَقُّ، وَعَدْكَ الْحَقُّ، وَلِقَاؤكَ
 حَقٌّ، وَقُولُكَ حَقٌّ، وَالْجَنَّةُ حَقٌّ، وَالنَّارُ حَقٌّ،
 وَالنَّبِيُّونَ حَقٌّ، وَمُحَمَّدٌ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ
 حَقٌّ، وَالسَّاعَةُ حَقٌّ، اللَّهُمَّ لَكَ أَسْلَمْتُ، وَبِكَ
 آمَنْتُ، وَعَلَيْكَ تَوَكَّلْتُ، وَإِلَيْكَ أَنْبَتُ، وَبِكَ
 خَاصَّمْتُ، وَإِلَيْكَ حَاكَمْتُ، فَاغْفِرْ لِي مَا
 قَدَّمْتُ وَمَا أَخْرَتُ، وَمَا أَسْرَرْتُ وَمَا أَعْلَنْتُ،
 أَنْتَ الْمُقَدَّمُ وَأَنْتَ الْمُؤَخِّرُ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ».

«Аллоҳим! Ҳамд Сенга хос, Сен осмонлару ер ва улардагиларни қоим қилгувчисан. Ҳамд Сенга хос, осмонлару ернинг ва улардагиларнинг эгалиги Се-



никидир. Ҳамд Сенга хос, Сен осмонлару ернинг нурисан. Ҳамд Сенга хос, Сен ҳақсан. Ваъданг ҳақ, Сенга йўлиқишиш ҳақ, сўзинг ҳақ. Жаннат ҳақ, дўзах ҳақ, Набийлар ҳақ, Мухаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақ ва Соат (Киёмат) ҳақдир. Аллоҳим! Сенга таслим бўлдим. Сенга иймон келтирдим. Сенга таваккул қилдим. Сенга қайтдим. Сенинг ёрдаминг ила хусуматлашдим. Сени ҳакам қилдим. Менинг аввалу охир, хуфёнаю ошкора қилган (гуноҳ)ларимни мағфират қил. Муқаддим (олдинга қўювчи) ҳам Ўзингсан, Муаххир (орқага сурувчи) ҳам Ўзингсан, Сендан ўзга ҳақ илоҳ йўқ».*

﴿لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ سُبْحَنَكَ﴾

﴿إِنِّي كُنْتُ مِنَ الظَّالِمِينَ﴾

* Муттафақун алайҳ. Саҳиҳи Бухорий, 1120; Саҳиҳи Муслим, 2717. [Набий ﷺ кечаси таҳажжудга турганларида шу дуони ўқир эдилар].



«Хеч илоҳ йўқ, магар Ўзинг бордирсан, эй Раббим, дарҳақиқат, мен (ўз жонимга) жабр қилгувчилардан бўлиб қолдим».*

«اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَى مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ
 كَمَا صَلَيْتَ عَلَى إِبْرَاهِيمَ وَعَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ
 إِنَّكَ حَمِيدٌ مَجِيدٌ اللَّهُمَّ بَارِكْ عَلَى مُحَمَّدٍ
 وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ كَمَا بَارَكْتَ عَلَى إِبْرَاهِيمَ
 وَعَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ إِنَّكَ حَمِيدٌ مَجِيدٌ».

Аллоҳим, Иброҳим ва у зотнинг оила аъзоларига салавот йўллаганинг каби, Муҳаммад ва у зотнинг оила аъзоларига салавот йўллагин. Албатта, Сен мактовга лойиқсан, улуғвор Зотсан.

* Анбиё: 87.



Аллоҳим, Иброҳим ва у зотнинг оила аъзоларини баракотли қилганингдек, Мұхаммад ва у зотнинг оила аъзоларини баракотли қил. Албатта, Сен мақтовга лойиқ ва улуғвор Зотсан.*



* Саҳиҳи Бухорий, 3370.



АЛЛОҲДАН ЖАННАТНИ СҮРАШ ВА ЖАҲАННАМДАН ПАНОҲ ТИЛАШ

«اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ الْجَنَّةَ،
وَأَعُوذُ بِكَ مِنَ النَّارِ».

1. Аллоҳим, Сендан жаннатни сўрайман ва жаҳаннамдан паноҳ тилайман.¹

﴿رَبِّ أُبْنِ لِي عِنْدَكَ بَيْتًا فِي الْجَنَّةِ﴾

2. «Раббим, Ўзинг мен учун ҳузурингда — жаннатда бир уй бино қилгин».²

¹ Сунани Абу Довуд, 757. Ҳадис ҳукми: «саҳиҳ». Манба: «Саҳиҳи Сунани Абу Довуд, 757».

² Таҳрим: 11.



﴿ رَبِّ هَبْ لِي حُكْمًا وَأَلْحِقْنِي بِالصَّالِحِينَ ﴾^{٨٣}
 وَاجْعَلْ لِي لِسَانَ صِدْقٍ فِي الْآخِرِينَ ﴾^{٨٤} وَاجْعَلْنِي
 مِنْ وَرَثَةِ جَنَّةِ النَّعِيمِ ﴾^{٨٥} وَاغْفِرْ لِأَبِي إِنَّهُ وَكَانَ
 مِنَ الظَّالِمِينَ ﴾^{٨٦} وَلَا تُخْزِنِي يَوْمَ يُبَعْثُونَ
 يَوْمَ لَا يَنْفَعُ مَالٌ وَلَا بَنُونَ ﴾^{٨٧} إِلَّا مَنْ أَتَى اللَّهَ
 بِقَلْبٍ سَلِيمٍ ﴾^{٨٩}

3. «Раббим, менга ҳикмат-илм ҳадя этгин ва мени солиҳ (бандаларинг) қаторига қўшгин. Яна мен учун кейин келгувчи кишилар ўртасида рост мақтовлар қилгин. Яна мени ноз-неъматлар боғининг ворисларидан қилгин. Отамни ҳам мағфират қилгин. У шубҳасиз адашганлардан бўлди. Ва (барча жонзот) қайта тириладиган Кунда мени шарманда қилмагин. У кунда на молу-давлат ва на бола-чақа фойда бермас; Магар Аллоҳ ҳузурига



тоза дил билан келган кишиларгагина (фойда берур)».³

﴿رَبَّنَا أَصْرِفْ عَنَّا عَذَابَ جَهَنَّمَ إِنَّ عَذَابَهَا كَانَ غَرَامًا﴾

4. «Раббимиз, Ўзинг бизлардан жаҳаннам азобини дафъ қилгин. Дарҳақиқат, унинг азоби кетмас — мангу (азобдир)».⁴

«اللَّهُمَّ رَبَّ جِبْرَائِيلَ وَمِيكَائِيلَ وَرَبَّ إِسْرَافِيلَ اُعُوذُ بِكَ مِنْ حَرَّ النَّارِ، وَمِنْ عَذَابِ الْقَبْرِ».

5. Аллоҳим! Жаброил ва Микоилнинг Раббиси! Исрофилнинг Раббиси! Сендан

³ Шуаро: 83-89.

⁴ Фурқон: 65.



жаһаннам иссиқлигидин ва қабр азоби-
дан паноҳ сўрайман.⁵



⁵ Сунани Насойӣ, 5519. Ҳадис ҳукми: «саҳих». Манба: «Саҳихи Насойӣ, 5534».



АЛЛОХДАН РАҲМАТ ВА МАҒФИРАТ СҮРАШ

﴿رَبَّنَا إِنَّا ءَامَنَّا فَأَغْفِرْ لَنَا ذُنُوبَنَا وَقِنَا عَذَابَ
النَّارِ﴾ ، ﴿رَبَّنَا فَأَغْفِرْ لَنَا ذُنُوبَنَا وَكَفِرْ عَنَّا
سَيِّئَاتِنَا وَتَوَفَّنَا مَعَ الْأَبْرَارِ ۚ﴾ رَبَّنَا وَءَاتَنَا مَا
وَعَدْنَا عَلَى رُسُلِكَ وَلَا تُخْزِنَا يَوْمَ الْقِيَمَةِ إِنَّكَ
لَا تُخْلِفُ الْمِيعَادَ﴾

6. «Раббимиз, бизлар Сенга иймон келтирганмиз, энди Ўзинг гуноҳларимизни мағфират айла ва бизни жаҳннам азобидан асра».

«Раббимиз, бизнинг гуноҳларимизни мағфират қил, гуноҳларимизни (саҳифайи аъмолимиздан) ўчиргил ва бизларни яхшилар билан бирга ўлдир! Рабби-



миз, бизларга пайғамбарларинг орқали ваъда қилган нарсаларингни (жаннат, мағфират, висолингдан баҳраманд этиш каби неъматларингни) ато қил ва бизларни Қиёмат Кунидаги расво қилмагил! Албатта, Сен ваъдангга хилоф қилмагайсан».⁶

﴿رَبَّنَا أَغْفِرْ لَنَا ذُنُوبَنَا وَإِسْرَافَنَا فِي أَمْرِنَا﴾

7. «Раббимиз, гуноҳларимизни ва ишларимиздаги хатоларимизни мағфират айла!»⁷

﴿رَبَّنَا ظَلَمْنَا أَنفُسَنَا وَإِنْ لَمْ تَغْفِرْ لَنَا وَتَرْحَمْنَا
لَنَكُونَنَّ مِنَ الْخَاسِرِينَ ﴾٣﴾

⁶ Оли-Имрон: 16, 193-194.

⁷ Оли-Имрон: 147.



8. «Раббимиз, бизлар ўз жонимизга жабрзулм қилдик. Агар бизларни мағфират ва раҳм қилмасанг, шубҳасиз, зиён кўргувчилардан бўлиб қолурмиз».⁸

﴿رَبَّنَا آءَامَنَا فَاعْفُرْلَنَا وَأَرْحَمْنَا وَأَنْتَ خَيْرُ الرَّاحِمِينَ﴾
 ﴿رَبِّ اغْفِرْ وَأَرْحَمْ وَأَنْتَ خَيْرُ الرَّاحِمِينَ﴾

9. «Раббимиз, (Ўзингга) иймон келтиридик. Бас, Сен бизларни мағфират қилгин ва бизларга раҳм айла Сен Ўзинг раҳм қилгувчиларнинг яхшироғидирсан».

«Раббим, Ўзинг (гуноҳларимизни) мағфират қилгин ва (ҳолимизга) раҳм айла. Сен Ўзинг раҳм қилгувчиларнинг яхшироғидирсан».⁹

⁸ Аъроф: 23.

⁹ Муъминун: 109; Муъминун: 118



﴿رَبَّنَا أَغْفِرْ لَنَا وَلَا خَوَانِنَا الَّذِينَ سَبَقُونَا بِالْإِيمَانِ
وَلَا تَجْعَلْ فِي قُلُوبِنَا غِلَّا لِلَّذِينَ ءَامَنُوا رَبَّنَا إِنَّكَ
رَءُوفٌ رَّحِيمٌ ﴾ ۱۳

10. «Раббимиз, Ўзинг бизларни ва бизлардан илгари иймон билан ўтган зотларни мағфират қилгин ва қалбларимизда иймон келтирган биродарларимизни учун бирон ғилли-ғаш қилмагин. Раббимиз, албатта Сен меҳрибон ва раҳмлидирсан».¹⁰

«اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ يَا اللَّهُ الْأَحَدُ الصَّمَدُ الَّذِي
لَمْ يَلِدْ، وَلَمْ يُوْلَدْ، وَلَمْ يَكُنْ لَهُ كُفُواً أَحَدٌ أَنْ
تَغْفِرَ لِي ذُنُوبِي، إِنَّكَ أَنْتَ الْغَفُورُ الرَّحِيمُ».

¹⁰ Ҳашр: 10.

11. Аллоҳим! Ё Аҳад, Сомад, тұғмаган ва туғилмаган ва Үнинг ҳеч бир тенгги бўлмаган Зот! Албатта, мен Сендан гуноҳларимни мағфират қилмоғингни сўрайман. Зотан Сенгина мағфират қилгувчи, меҳрибондирсан.¹¹

«اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي خَطِيئَتِي، وَجَهْلِي،
وَإِسْرَافِي فِي أَمْرِي، وَمَا أَنْتَ أَعْلَمُ بِهِ مِنِّي،
اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي جَدِّي، وَهَزْلِي، وَخَطَئِي،
وَعَمْدِي وَكُلُّ ذَلِكَ عِنْدِي، اللَّهُمَّ اغْفِرْ
لِي مَا قَدَّمْتُ وَمَا أَخَرْتُ، وَمَا أَسْرَرْتُ

¹¹ Абу Довуд, 985. Ҳадис ҳукми: «саҳиҳ». Манба: «Саҳиҳи Сунани Абу Довуд, 985». [Бир киши ташаҳхудда бу дуони ўқиганда Расулуллоҳ ﷺ: «Батажиқ мағфират қилинди, батажиқ мағфират қилинди», деб уч марта айтганлар].



وَمَا أَعْلَمُ بِهِ مِنِّي، أَنْتَ
 الْمُقَدِّمُ وَأَنْتَ الْمُؤَخِّرُ، وَأَنْتَ عَلَى كُلِّ
 شَيْءٍ قَدِيرٌ».

12. Аллоҳим, хатоларимни, нодонлигими-
 ни, ишимдаги исрофимни ва Ўзинг мен-
 дан кўра яхшироқ билган гуноҳларимни
 мағфират қилгин! Аллоҳим, ҳазиллашиб
 қилганим, жиддий қилганимни, хатола-
 рим ва қасдан қилганларимни мағфи-
 рат қилгин! Буларнинг барчаси менда
 бордир. Аллоҳим, мен аввал қилган ва
 ортга сурганларимни, яхширин ва ошко-
 ра қилганларимни ҳамда Ўзинг мендан
 кўра яхшироқ билган гуноҳларимни мағ-
 фират қилгин! Сен мұқаддам қилувчи ва
 ортга сурувчи дидирсан! Сен барча нарсага
 Қодирсан!¹²

¹² Саҳихи Мұслим, 2719.



«اللَّهُمَّ أَنْتَ رَبِّي، لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ،
 خَلَقْتَنِي وَأَنَا عَبْدُكَ، وَأَنَا عَلَى عَهْدِكَ
 وَوَعْدِكَ مَا اسْتَطَعْتُ، أَعُوذُ بِكَ مِنْ شَرِّ
 مَا صَنَعْتُ، أَبُوءُ لَكَ بِنِعْمَتِكَ عَلَيَّ، وَأَبُوءُ
 بِذَنْبِي، فَاغْفِرْ لِي، فَإِنَّهُ لَا يَغْفِرُ الذُّنُوبَ
 إِلَّا أَنْتَ».»

13. Аллоҳим! Раббим Ўзингсан. Сендан ўзга ҳақ илоҳ йўқ. Мени Сен яратгансан ва мен Сенинг қулингман. Мен қурбим етганича Сенинг ахду паймонинг ва ваъдангда турибман. Қилмишларимнинг ёмонлигидан Ўзингнинг паноҳингга қочаман. Менга берган неъматларингни ҳам тан оламан, гуноҳларимни ҳам тан оламан. Мени мағфират қилгин, чунки



Сенгина гуноҳларни мағфират қиласан.¹³

«اللَّهُمَّ إِنِّي ظَلَمْتُ نَفْسِي ظُلْمًا كَثِيرًا، وَلَا يَغْفِرُ الذُّنُوبَ إِلَّا أَنْتَ، فَاغْفِرْ لِي مَغْفِرَةً مِنْ عِنْدِكَ وَارْحَمْنِي، إِنَّكَ أَنْتَ الْغَفُورُ الرَّحِيمُ».

14. Аллоҳим, мен нафсимга кўп зулм қилдим. Гуноҳларни фақат Сенгина мағфират қиласан, мени Ўз ҳузурингдан бўлган мағфират ила мағфират қилгин ва менга раҳм қилгин. Зотан, Сен Ўзинг Ғафурсан, Роҳиймсан.¹⁴

¹³ Саҳиҳи Бухорий, 6306. [Расулуллоҳ ﷺ: «Истиғфорнинг саййиди...» деб, юқоридаги дуони ўқидилар ва: «Ким буни кечаси чин дилдан айтса ва тонг отмай туриб вафот этса, жаннат аҳлидандир», дедилар].

¹⁴ Саҳиҳи Бухорий, 6326.

«اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي ذَنْبِي كُلَّهُ: دِقَهُ وَجْلَهُ، وَأَوْلَهُ
وَآخِرَهُ، وَعَلَانِيَتَهُ وَسِرَّهُ».

15. Аллоҳим, ҳамма гуноҳларимни: кичигини ҳам, каттасини ҳам, аввалгиларини ҳам, кейингиларини ҳам, ошкорасини ҳам, махфийсини ҳам мағфират қилгин.¹⁵

«اللَّهُمَّ طَهِّرْنِي بِالشَّلْجِ وَالْبَرَدِ وَالْمَاءِ الْبَارِدِ،
اللَّهُمَّ طَهِّرْنِي مِنَ الذُّنُوبِ وَالْخَطَايَا كَمَا
يُنَقِّي الشَّوْبُ الْأَبْيَضُ مِنَ الْوَسَخِ».

16. Аллоҳим, мени қор, муз ва муздек сув билан покла! Аллоҳим, мени гуноҳ ва ха-

¹⁵ Саҳихи Муслім, 483. [Расулуллоҳ ﷺ саждала-рида шу дуони ўқир эдилар].



толардан оппоқ кийим кирдан тозаланганидек покла!¹⁶

«رَبِّ اغْفِرْ لِي، وَتُبْ عَلَيَّ، إِنَّكَ أَنْتَ التَّوَّابُ الرَّحِيمُ».

17. Раббим мени кечир ва тавбамни қабул эт! Албатта Сен тавбаларни қабул қилгувчи ва раҳмли Зотсан!¹⁷

«اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِحَيْنَا، وَمَيْتَنَا، وَصَغِيرَنَا، وَكَبِيرَنَا، وَذَكَرَنَا وَأَنْشَانَا، وَشَاهِدَنَا وَغَائِبَنَا،

¹⁶ Саҳиҳи Мұслим, 476.

¹⁷ Сунани Абу Довуд, 1516. Ҳадис ҳукми: «саҳиҳ». Манба: «Саҳиҳи Сунани Абу Довуд, 1516». [Абдуллоҳ ибн Умар: «Биз Расулуллоҳ  нинг бир ўтиришда юз марта (ушбу дуони) айттанларини санар эдик», деганлар].



اللَّهُمَّ مَنْ أَحْيَتْهُ مِنَ الْأَمْوَالِ فَأَحْيِهْ عَلَى الْإِيمَانِ،
 وَمَنْ تَوَفَّفَهُ مِنَ الْأَمْوَالِ فَتَوَفَّهُ عَلَى الْإِسْلَامِ، اللَّهُمَّ لَا
 تَحْرِمْنَا أَجْرَهُ، وَلَا تُضِلْنَا بَعْدَهُ».

18. Аллоҳим, бизнинг тиригу ўликларимизни, каттаю кичигимизни, эркагу аёлимизни ҳамда ҳозиру ғоибларимизни (гуноҳларини) мағфират этгин. Эй Аллоҳ! Агар биздан биронтамизни яшатадиган бўлсанг, уни иймонда яшатгин. Жонини оладиган бўлсанг, исломда жонини олгин. Ё Аллоҳ! Бунинг ажр-савобидан бизни маҳрум айлама ва унинг ортидан бизни Ўзинг адаштирмагин.¹⁸

¹⁸ Сунани Абу Довуд, 3201. Ҳадис ҳукми: «саҳиҳ». Манба: «Саҳиҳи Сунани Абу Довуд, 3201». [Расулуллулоҳ  жанозада шу дуони ўқиганлар].



«اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي ذُنُوبِي وَخَطَايَايَ ، اللَّهُمَّ
 انْعَشْنِي ، وَاجْبُرْنِي ، وَاهْدِنِي لِصَالِحِ
 الْأَعْمَالِ وَالْأَخْلَاقِ؛ إِنَّهُ لَا يَهْدِي لِصَالِحِهَا
 وَلَا يَصْرُفُ سَيِّئَهَا إِلَّا أَنْتَ».

19. Эй Раббим, гуноҳларим ва хатоларимни кечир. Эй Раббим, мени ишларимда фаол қил, ислоҳ эт ва хулқ, амалларнинг яхвисига ҳидоят қил. Сендан ўзгаси ишларнинг яхвисига ҳидоят қилиб, ёмонидан буролмайди.¹⁹

«اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي ذَنْبِي ، وَأَخْسِنْ شَيْطَانِي ،
 وَفُكَّ رِهَانِي».

¹⁹ Ибн Сунний, 910. Табароний: «Мўъжамул кабир», 7811. Ҳадис ҳукми: «ҳасан». Манба: «Саҳиҳ ал-жомеъ, 1266».



20. Аллоҳим, гуноҳимни кечир, шайтонимни ҳайда, гаровдаги нарсаларимни еч (бўйнимдаги барча ҳақлардан халос қил).²⁰

«اللَّهُمَّ إِنَا نَعُوذُ بِكَ مِنْ أَنْ نُشْرِكَ بِكَ شَيْئًا
نَعْلَمُهُ وَنَسْتَغْفِرُكَ لِمَا لَا نَعْلَمُ».»

21. Аллоҳим! Биз Сендан билиб туриб Сенга бирор нарсани шерик қилишдан паноҳ сўраймиз. Билмасдан қилганларимизни эса, кечиришингни сўраймиз. ²¹

²⁰ Сунани Абу Довуд, 5054. Ҳадис ҳукми: «саҳиҳ». Манба: «Саҳиҳи Сунани Абу Довуд, 5054».

²¹ Муснади Аҳмад, 19606. Шуайб Арнаут «Муснад» таҳқиқида бу ҳадисни заиф деган. Аммо Ҳайсамий «Мажмаъуз завоид»да: «Абу Али (ал-Коҳилий) дан бошқа рижоллари ишончли. Лекин уни ҳам Ибн Ҳиббон ишончли санаган», дейди. «Саҳиҳу тарғиб»нинг 36-бетида эса «ҳасан лиғойриҳи» дейилган.



«رَبِّ اغْفِرْ لِي، وَارْحَمْنِي، وَاجْبُرْنِي،
وَارْزُقْنِي، وَارْفَعْنِي».

22. Эй Раббим, гунохларимни кечир, менга раҳм қил, менга ёрдам бер, менга ризқ бер ва мени олий мартабаларга кўттар.²²



²² Сунани Ибн Можа, 898. Ҳадис ҳукми: «саҳиҳ». Манба: «Саҳиҳи Ибн Можа, 740». [Расулуллоҳ ﷺ саждадан бошларини кўттарсалар шу дуони айтар эдилар»].



АЛЛОХ ТАОЛОДАН ҲИДОЯТ ВА ДИНДА СОБИТҚАДАМЛИК СҮРАШ

«اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ الْهُدَى وَالتُّقْوَى وَالْعَفَافَ
وَالْغِنَى».»

23. Аллоҳим! Сендан ҳидоят, тақво, поклик ва беҳожатликни сўрайман!²³

«اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ الْهُدَى، وَالسَّدَادَ».»

24. Аллоҳим, мени ҳидоят қилгин ва тўғрилагин.²⁴

²³ Саҳиҳи Муслим, 2721.

²⁴ Саҳиҳи Муслим, 2725. [Расулуллоҳ ﷺ: «Эй Алий,
«Аллоҳим, мени ҳидоят қилгин ва тўғрилагин» деб
айтинг, ҳидоят деганда тўғри йўлга йўллашини,



«اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْتَهْدِيكَ لِأَرْشَدِ أَمْرِي، وَأَعُوذُ
بِكَ مِنْ شَرِّ نَفْسِي».

25. Аллоҳим, ишимнинг энг тўғриси учун ҳидоят сўрайман ва нафсимнинг ёмонлигидан паноҳ тилайман.²⁵

«اللَّهُمَّ اهْدِنِي فِيمَنْ هَدَيْتَ، وَعَافِنِي فِيمَنْ
عَافَيْتَ، وَتَوَلَّنِي فِيمَنْ تَوَلَّيْتَ، وَبَارِكْ لِي فِيمَا
أَعْطَيْتَ، وَقِنِي شَرًّا مَا قَضَيْتَ، إِنَّكَ تَقْضِي
وَلَا يُقْضَى عَلَيْكَ، وَإِنَّهُ لَا يَذِلُّ مَنْ وَالَّيْتَ،
وَلَا يَعِزُّ مَنْ عَادَيْتَ، تَبَارَكْتَ رَبَّنَا وَتَعَالَيْتَ».

тўғрилик деганда камон ўқидек тўғрилашини ёдда тутинг», деганлар].

²⁵ Муснади Аҳмад, 17905. Шуайб Арнаут «Имом Муслимининг шартларига кўра саҳих», деганлар.



26. Аллоҳим! Ҳидоят этган кишиларинг қатори мени ҳидоят этгин. Офият (соғлиқ, тўғрилик) ато этганларинг қаторида офият бергин. Яқин тутганларинг қаторида мени ҳам Ўзингга яқин этгин. Берган неъматларингни мен учун баракотли қилгин. Ҳукм қилган нарсаларингнинг ёмонидан мени асрагин. Шубҳасиз, Сен ҳукм қилувчисан. Сенга ҳукм қилинмайди. Сен дўст тутган кишилар асло хор бўлмас ва Сен душман тутган киши азиз бўлмас. Раббимиз! Сен баракотли-буюк ва олий Зотдирсан.²⁶

«اللَّهُمَّ اجْعِلْ فِي قَلْبِي نُورًا، وَفِي بَصَرِي
نُورًا، وَفِي سَمْعِي نُورًا، وَعَنْ يَمِينِي نُورًا،

²⁶ Сунани Абу Довуд, 1425. Ҳадис ҳукми: «саҳиҳ». Манба: «Саҳиҳи Сунани Абу Довуд, 1425». [Расулуллоҳ  нинг суюкли набиралари Ҳасан розијаллоҳу анҳумо «Расулуллоҳ  менга витрда айтадиганим калималарни ўргатди» деб, шу дуони ўқиганлар].



وَعَنْ يَسَارِي نُورًا، وَفَوْقِي نُورًا، وَتَحْتِي نُورًا،
وَأَمَامِي نُورًا، وَخَلْفِي نُورًا، وَاجْعَلْ لِي نُورًا».

27. Аллоҳим, қалбимда нур, күзимда нур, кулогимда нур, ўнгимда нур, чапимда нур, устимда нур, остимда нур, олдимда нур, орқамда нур қилгин. Менга нур (ато) этгин». ²⁷

﴿رَبَّنَا إِاتِنَا مِنْ لَدُنْكَ رَحْمَةً وَهَيْئَةً لَنَا
مِنْ أَمْرِنَا رَشَدًا ﴾

²⁷ Муттафақун алайх. Саҳиҳи Бухорий: 6316; Саҳиҳи Муслим, 763. [Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо холалари, яъни Маймуна онамизнинг уйларида тунаганларида Расулуллоҳ ﷺ тунгги намозларида ушбу дуони ўқиганликларини эшитганлар. Имом Бухорий ровийлардан бирининг: «Тобут»даги еттига нарса ҳам бор эди», деб, «асабимни, гўштимни, қонимни, сочимни ва теримни (нурли қил)» деб беш нарсани хабар берганлар. Бошқа ривоятда эса қолган икки нарса «тил ва нафс», экани айтилган].



28. «Раббимиз, бизларга ўз ҳузурингдан раҳмат — марҳамат ато этгин ва бизларнинг ишимизни Ўзинг ўнглагин». ²⁸

﴿رَبَّنَا لَا تُزِغْ قُلُوبَنَا بَعْدَ إِذْ هَدَيْتَنَا وَهَبْ لَنَا مِنْ لَدُنْكَ رَحْمَةً إِنَّكَ أَنْتَ الْوَهَابُ﴾

29. «Раббимиз, бизни хидоят қилганингдан кейин — энди дилларимизни ҳақ йўлдан оғдирма ва бизга Ўз ҳузурингдан раҳмат ато этгин! Албатта, Сенгина барча яхшиликларни ато этгувчисан!». ²⁹

«يَا مُقَلِّبَ الْقُلُوبِ ثَبِّتْ قَلْبِي عَلَى دِينِكَ».
 «اللَّهُمَّ مُصَرِّفَ الْقُلُوبِ صَرِّفْ قُلُوبَنَا عَلَى طَاعَتِكَ».

²⁸ Каҳф: 10.

²⁹ Оли Имрон: 8.

30. Эй қалбларни ўзгартирувчи Зот! Қалбимни динингда событ-мустаҳкам қилгина.

Эй қалбларни хоҳлаган тарафга буриб қўювчи Зот, қалбларимизни Ўзингнинг тоат-ибодатингга бургин!³⁰

«اللَّهُمَّ لَكَ أَسْلَمْتُ، وَبِكَ آمَنْتُ، وَعَلَيْكَ
تَوَكَّلْتُ، وَإِلَيْكَ أَنْبَتُ، وَبِكَ خَاصَمْتُ
اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِعِزْتِكَ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ أَنْ
تُضِلِّنِي، أَنْتَ الْحَيُّ الَّذِي لَا يَمُوتُ، وَالْجَنْ
وَالْإِنْسُنُ يَمُوتُونَ».

³⁰ Сунани Термизий, 2140. Ҳадис ҳукми: «саҳиҳ». Манба: «Саҳиҳ ал-Жомеъ, 7987». [Расулуллоҳ  бу дуони кўпайтирап ва «Қалб Аллоҳ таолонинг икки бармоғи орасида бўлиб, уни хоҳлаганича ўзгартиради», дер эдилар]; Саҳиҳи Муслим, 2654.



31. Аллоҳим! Сенга таслим бўлдим. Сенга иймон келтирдим. Сенга таваккул қилдим. Сенга қайтдим. Сенинг ёрдаминг ила хусуматлашдим. Аллоҳим, Ўзингдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ, Сенинг иззатинг ила мени залолатга кетказишингдан паноҳ сўрайман. Сен ўлмайдиган, тирик Зотсан, жину инслар эса ўлади».³¹

«اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ الشَّبَاتَ فِي الْأَمْرِ ،
وَالْعَزِيمَةَ عَلَى الرُّشْدِ، وَأَسْأَلُكَ مُوجَاتِ
رَحْمَتِكَ ، وَعَزَائِمَ مَغْفِرَتِكَ ، وَأَسْأَلُكَ شُكْرَ
نِعْمَتِكَ ، وَحُسْنَ عِبَادَتِكَ، وَأَسْأَلُكَ قَلْبًا
سَلِيمًا ، وَلِسَانًا صَادِقًا، وَأَسْأَلُكَ مِنْ خَيْرِ مَا

³¹ Муттафақун алайх. Саҳиҳи Муслим, 2717, Саҳиҳи Бухорий, 1120. [Набий ﷺ кечаси таҳажжудга турганларида шу дуони ўқир эдилар].



تَعْلَمُ، وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ شَرّ مَا تَعْلَمُ ، وَأَسْتَغْفِرُكَ
لِمَا تَعْلَمُ، إِنَّكَ أَنْتَ عَلَّامُ الْغُيُوبِ».

32. Аллоҳим Сендан динда событликни ва түғри йўлда қатъий бўлмоқни сўрайман. Раҳматингни вожиб қилувчи ва мағфиратингни тақозо қилувчи нарсаларни тилайман. Сенинг неъматларинга шукр қилишни ва Сенга чиройли ибодат қилмоқни сўрайман. Сендан ростгўй тил ва саломат қалб беришингни сўрайман. Ўзинг билган яхши нарсани сўрайман ва Ўзинг билган ёмон нарсадан паноҳ тилайман ҳамда Ўзинг билган гуноҳларни кечиришингни сўрайман. Шубҳасиз, Сенғайларни билувчи Зотсан!³²

³² Табароний: «Мўжкамул кабир», 7134. Ҳадис ҳумми: «саҳих». Манба: «Ас-силсила ас-саҳиҳа, 3227». [Набий ﷺ: «Эй Шаддод ибн Авс! Қачон одамлар тилло ва кумушни жамғара бошлиласалар, сен ушибу



«اللَّهُمَّ أَعُوذُ بِكَ أَنْ أَضِلَّ، أَوْ أَضَلَّ، أَوْ أَزِلَّ،
 أَوْ أَزِلَّ، أَوْ أَظْلَمَ، أَوْ أَظْلَمَ، أَوْ أَجْهَلَ، أَوْ
 يُجْهَلَ عَلَيَّ».

33. Аллоҳим! Мен Сендан адашишдан ва адаштиришдан, тойилишдан ва тойидиришдан, зулм қилишдан ва зулмга қолишишдан, жоҳиллик қилишдан ва жоҳилликка йўлиқишидан паноҳ сўрайман.³³

калималарни жамғаргин», дея шу дуони ўргатдилар].

³³ Сунани Абу Довуд, 5094. Ҳадис ҳукми: «саҳиҳ». Манба: «Саҳиҳи Сунани Абу Довуд, 5094». [Умму Салама онамиз ﷺ: «Росулуллоҳ ﷺ менинг уйимдан тонгда чиқар эканлар, нигоҳларини осмонга қаратиб, куйидаги дуони қилар эдилар», деб, ушбу дуони зикр қилганлар].



АЛЛОХДАН ДУНЁ ВА ОХИРАТ ЯХШИЛИКЛАРИНИ ТИЛАШ

﴿رَبَّنَا إِنَّا فِي الدُّنْيَا حَسَنَةً وَفِي الْآخِرَةِ حَسَنَةً
وَقِنَا عَذَابَ النَّارِ﴾

34. «Раббимиз, бизга бу дунёда ҳам яхшилик ато қилгин, Охиратда ҳам яхшилик ато этгин ва бизни дўзах азобидан асрагин».³⁴

«اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ مِنَ الْخَيْرِ كُلِّهِ عَاجِلِهِ
وَآجِلِهِ ، مَا عَلِمْتُ مِنْهُ وَمَا لَمْ أَعْلَمْ ، وَأَعُوذُ
بِكَ مِنَ الشَّرِّ كُلِّهِ عَاجِلِهِ وَآجِلِهِ ، مَا عَلِمْتُ

³⁴ Бақара: 201.



مِنْهُ وَمَا لَمْ أَعْلَمْ، اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ مِنْ خَيْرٍ
 مَا سَأَلَكَ عَبْدُكَ وَنَبِيُّكَ، وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ شَرٌّ
 مَا عَادَ بِهِ عَبْدُكَ وَنَبِيُّكَ، اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ
 الْجَنَّةَ وَمَا قَرَبَ إِلَيْهَا مِنْ قَوْلٍ أَوْ عَمَلٍ ،
 وَأَعُوذُ بِكَ مِنَ النَّارِ وَمَا قَرَبَ إِلَيْهَا مِنْ قَوْلٍ أَوْ
 عَمَلٍ ، وَأَسْأَلُكَ أَنْ تَجْعَلَ كُلَّ قَضَاءٍ قَضَيْتُهُ
 لِي خَيْرًا».

35. Аллоҳим, мен Сендан ўзим билган ва билмаган, дунё ва охиратдаги барча яхшиликни сўрайман, ўзим билган ва билмаган, дунё ва охиратдаги барча ёмонликдан Сендан паноҳ тилайман. Аллоҳим, Сендан банданг ва Пайғамбаринг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи вассаллам сўраган яхшиликларни сўрайман,



паноҳ тилаган ёмонликларидан мен ҳам паноҳ тилайман. Аллоҳим, сендан жаннатни ва унга яқинлаштирадиган сўзу амалларни сўрайман. Аллоҳим, дўзахдан ва унга яқинлаштирадиган сўзу амаллардан паноҳ тилайман. Сендан менга тақдир қиласиган барча ишингни хайрли қилишингни сўрайман.³⁵

«اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي ذَنْبِي، وَوَسِّعْ لِي فِي دَارِي،
وَبَارِكْ لِي فِيمَا رَزَقْتَنِي».

36. Аллоҳим, гуноҳларимни кечиргин. Ҳовлимни кенг қил ва Сен менга ризқ қилиб берган неъматларни баракотли қилгин.³⁶

³⁵ Сунани Ибн Можа, 3846. Ҳадис ҳукми: «саҳиҳ». Манба: «Саҳиҳул Жомеъ, 1276».

³⁶ Муснади Аҳмад, 16599. Шуйаб Арнаут «Зодул маод» таҳрижида ҳадисни саҳиҳ деган. «Муснад» таҳрижида эса «Санади заиф... аммо бу ҳадисни



«اللَّهُمَّ انْفَعْنِي بِمَا عَلَّمْتَنِي، وَعَلِمْنِي مَا يَنْفَعُنِي، وَزِدْنِي عِلْمًا».

37. Аллоҳим менга берган илмингни манфаатли қилгин ва фойда берадиган илм бергин. Менинг илмимни янада зиёда қилгин.³⁷

«اللَّهُمَّ اقْسِمْ لَنَا مِنْ خَشْيَتِكَ مَا يَحُولُ بِهِ
يَبْيَنَنَا وَبَيْنَ مَعَاصِيكَ، وَمِنْ طَاعَتِكَ مَا تُبَلِّغُنَا

Абу Мусо Ашъарийдан келган ҳадис қувватлайди» деган. Абу Мусонинг ҳадисида биргина калимада фарқ бўлиб, «сен менга ризқ қилиб берган» калимаси «менинг ризқим» калимаси билан ўзгариб келган. Эҳтимол муаллиф дуонинг айни шу лафзини келтириш билан, ризқ Аллоҳдан эканини таъкидламоқчи бўлгандир. Валлоҳу аълам.

³⁷ Сунани Ибн Можа, 251. Ҳадис ҳуқми: «ҳамд жумласи»дан ташқариси саҳих». Манба: «Саҳиҳи Ибн Можа, 205». Шу сабабли «ҳамд жумласи» келтирilmadi.



بِهِ جَنَّتَكَ، وَمِنَ الْيَقِينِ مَا تُهَوَّنُ بِهِ عَلَيْنَا
 مُصِيبَاتِ الدُّنْيَا، وَمَتَّعْنَا بِأَسْمَاعِنَا وَأَبْصَارِنَا
 وَقُوَّتِنَا مَا أَحْيَيْنَا، وَاجْعَلْهُ الْوَارِثَ مِنَّا،
 وَاجْعَلْ ثَارَنَا عَلَى مَنْ ظَلَمَنَا، وَانْصُرْنَا عَلَى
 مَنْ عَادَانَا، وَلَا تَجْعَلْ مُصِيبَتَنَا فِي دِينِنَا، وَلَا
 تَجْعَلِ الدُّنْيَا أَكْبَرَ هَمَّنَا وَلَا مَبْلَغَ عِلْمَنَا، وَلَا
 تُسْلِطْ عَلَيْنَا مَنْ لَا يَرْحُمُنَا».

38. Аллоҳим, Сенга қилинадиган гуноҳ билан бизнинг орамизни тўсадиган қўрқувни ва жаннатингга етказадиган тоатингни ҳамда дунё мусибатларини бизга енгиллаштирадиган аниқ ишончни улуш қилиб бергин. Аллоҳим, бизни тириклигимизда қулоғимиз, кўзимиз ва қувватимиз билан манфаатлантириб, уни бизга меросхўр қил (вафот этгумизча омонда қил). Ўчимизни бизга



зулм қилғанларга қаратгин! Душманларимиз зиёнига бизга нусрат бер. Мусибатимизни динимизда қилиб қўйма. Дунёни энг катта ғамимиз ва илмдан бўлган бош мақсадимиз қилмагин. Ва бизга раҳм қилмайдиганларни бизларга бошлиқ айлама».³⁸

اللَّهُمَّ {فَاطِرُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ أَنْتَ وَلِيٌّ فِي الدُّنْيَا
وَالْآخِرَةِ تَوَفَّنِي مُسْلِمًا وَأَلْحِقْنِي بِالصَّالِحِينَ}

39. Аллоҳим, «Эй осмонлар ва Ерни яратган Зот, дунёю Охиратда Ўзинг Хожамдирсан. (Умрим битиб, сен Ўзинг белгилаб қўйган ажалим етганида) мусулмон ҳолимда жонимни олгин ва мени ҳам солих бандаларинг қаторига қўшгин».³⁹

³⁸ Сунани Термизий, 3502. Ҳадис ҳукми: «ҳасан». Манба: «Саҳиҳ ат-Термизий, 3502».

³⁹ Юсуф: 101. «Аллоҳим» калимаси оятда келмаган. Шунинг учун оятдан ажратилган ҳолда берилди.



«اللَّهُمَّ أَعِنَا عَلَى شُكْرِكَ، وَذِكْرِكَ، وَحُسْنِ
عِبَادَتِكَ».

40. Аллоҳим, Сенга шукр қилишда ва Сени зикр этишда ҳамда ибодатингни гўзал бажаришда бизга ёрдам бер.⁴⁰

«اللَّهُمَّ أَخْسَنْتَ خَلْقِي، فَأَحْسِنْ خَلْقِي».

41. Аллоҳим, яратилишимни чиройли қилдинг, хулқимни ҳам чиройли қилгин!⁴¹

«اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ مِنْ فَضْلِكَ وَرَحْمَتِكَ
فَإِنْهُ لَا يَمْلِكُهَا إِلَّا أَنْتَ».

⁴⁰ Муснади Аҳмад, 7983. Шуайб Арнаут ҳадисни сахиҳ деган.

⁴¹ Муснади Аҳмад, 24392. Шуайб Арнаут ҳадисни сахиҳ деган.



42. Аллоҳим, Сендан фазли-караминг ва раҳматингни сўрайман, зеро бу иккисига Ўзингдан бошқа ҳеч ким эгалик қилолмайди!⁴²

﴿رَبِّ أَشْرَحْ لِي صَدْرِي ۚ وَيَسِّرْ لِي أَمْرِي ۚ﴾

43. «Раббим, қалбимни кенг қилгин, ва ишимни осон қилгин».⁴³

﴿رَبَّنَا آءَانَا فَأَكْتُبْنَا مَعَ الشَّهِدِينَ ۚ﴾

44. «Раббимиз, иймон келтирдик. Бас, бизни гувоҳлик бергувчилар қаторига ёзгин».⁴⁴

⁴² Табароний, 10379. Ҳадис ҳукми: «саҳих». Манба: «Саҳихул жомеъ, 1278».

⁴³ Тоҳа: 25-26.

⁴⁴ Мойда: 83.

﴿رَبِّ زُدْنِي عِلْمًا﴾

45. «Раббим, илмимни янада зиёда қилгинаң»⁴⁵

«اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ حُبَّكَ، وَحُبَّ مَنْ يُحِبُّكَ، وَالْعَمَلَ الَّذِي يُبَلِّغُنِي حُبَّكَ».

46. Аллоҳим, мен Сендан муҳаббатингни сўрайман, Сенга муҳаббат қилганинг муҳаббатини ва Сенинг муҳаббатингга етказадиган амални сўрайман!⁴⁶

⁴⁵ Тоҳа: 114.

⁴⁶ Сунани Термизий, 3490. Башшор Аввод ал-Маъруф ҳадисни «ҳасан-ғарип» деган.



ОТА-ОНА, АХЛИ-ОИЛА ВА ФАРЗАНДЛАР ХАҚҚИГА ДУО ҚИЛИШ

﴿رَبِّ أَغْفِرْ لِي وَلِوَالِدَيَ وَلِمَنْ دَخَلَ بَيْتِي مُؤْمِنًا
وَلِلْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ﴾

47. «Раббим, Ўзинг мени, ота-онамни, менинг уйимга мўмин ҳолда кирган кишиларни ва барча мўмину мўминаларни мағфират қилгин!»!⁴⁷

﴿رَبِّ أَرْحَمْهُمَا كَمَا رَبَّيَانِي صَغِيرًا﴾

48. «Раббим, мени (ота-онам) гўдаклик чоғимдан тарбиялаб ўстирганлариdek, сен ҳам уларга раҳм-шафқат қилгин». ⁴⁸

⁴⁷ Нуҳ: 28.

⁴⁸ Исрө: 24.



﴿رَبَّنَا هَبْ لَنَا مِنْ أَزْوَاجِنَا وَذُرِّيَّتَنَا قُرَّةً أَعْيُنٍ
وَأَجْعَلْنَا لِلْمُتَّقِينَ إِمَامًا﴾

49. «Раббимиз, Ўзинг бизларга жуфти ҳалолларимиздан ва зурриётларимиздан шод-хуррамлик ҳадя этгин ва бизларни тақводорларга пешво қилгин».⁴⁹

﴿رَبِّ هَبْ لِي مِنْ لَدُنْكَ ذُرِّيَّةً طَيِّبَةً
إِنَّكَ سَمِيعُ الدُّعَاءِ﴾

50. «Раббим, менга ҳам Ўз ҳузурингдан бир покиза фарзанд ато эт! Албатта, Сен дуо илтижоларимни эшитгувчисан».⁵⁰

⁴⁹ Фурқон: 74.

⁵⁰ Оли-Имрон: 38.



﴿رَبِّ أَجْعَلْنِي مُقِيمَ الصَّلَاةِ وَمِنْ ذِرَّيَّتِي رَبَّنَا
وَتَقَبَّلْ دُعَاءِ ﴿٤١﴾ رَبَّنَا أَغْفِرْ لِي وَلِوَالِدَيَّ وَلِلْمُؤْمِنِينَ
يَوْمَ يَقُولُ الْحِسَابُ ﴿٤٢﴾﴾

51. «Раббим, мени ва зурриётимдан (бүлгап болаларимни) намозни тўқис адо этгувчи қилгил. Раббимиз, дуоимни қабул айла. Раббимиз, ҳисоб-китоб қилинадиган (Киёмат) куни мени, ота-онамни ва барча мўминларни мағфират қилгил». ⁵¹

﴿رَبِّ أَوْزِعْنِي أَنْ أَشْكُرْ نِعْمَتَكَ الَّتِي أَنْعَمْتَ عَلَيَّ
وَعَلَى وَالِدَيَّ وَأَنْ أَعْمَلَ صَلِحًا تَرْضَهُ وَأَصْلِحُ لِي
فِي ذِرَّيَّتِي إِنِّي تُبْتُ إِلَيْكَ وَإِنِّي مِنَ الْمُسْلِمِينَ ﴿٤٣﴾﴾

⁵¹ Иброхим: 40-41.



52. «Раббим, мени Сен менга ва ота-онамга инъом этган неъматингга шукр қилишга ва Ўзинг рози бўладиган яхши амалларнигина қилишга муваффақ этгин ва Ўзинг мен учун зурриётимга ҳам яхшилик қилгин (яъни, фарзандларимни ҳам аҳли солиҳ бандаларингдан қилгин). Албатта мен Сенга (қилган барча гуноҳларимдан) тавба қилдим ва албатта мен мусулмонлардандирман».⁵²



⁵² Ахқоф: 15.



АЛЛОҲДАН ДУНЁ ВА ОХИРАТ САОДАТИНИ СЎРАШ

«اللَّهُمَّ أَصْلِحْ لِي دِينِي الَّذِي هُوَ عِصْمَةُ
أَمْرِي، وَأَصْلِحْ لِي دُنْيَايَ التِّي فِيهَا مَعَاشِي،
وَأَصْلِحْ لِي آخِرَتِي التِّي فِيهَا مَعَادِي، وَاجْعَلْ
الْحَيَاةَ زِيَادَةً لِي فِي كُلِّ خَيْرٍ، وَاجْعَلْ الْمَوْتَ
رَاحَةً لِي مِنْ كُلِّ شَرٍ».

53. Аллоҳим, борлиғимнинг негизи бўлган динимни ислоҳ килгин. Тирикчилигим бўлган дунёимни ислоҳ қилгин. Қайтар жойим бўлган охиратимни ислоҳ қилгин. Ҳаётни мен учун барча яхшиликларнинг зиёда бўлишига сабаб қилгин, ўлимни эса мен учун бар-



ча ёмонликлардан халос қилувчи роҳат қилгин.⁵³

«اللَّهُمَّ بِعِلْمِكَ الْغَيْبَ ، وَقُدْرَتِكَ عَلَى
الْخَلْقِ أَحْبِنِي مَا عَلِمْتَ الْحَيَاةَ خَيْرًا لِي ،
وَتَوَفَّنِي إِذَا عَلِمْتَ الْوَفَاهُ خَيْرًا لِي».

54. Аллоҳим, ғайбни билишинг ва яратишга қодирлигинг билан сўрайман! Агар ҳаётни мен учун хайрли деб билсанг, мени тирик қолдир. Агар ўлимни мен учун хайрли деб билсанг, менга ўлим бер.⁵⁴

«اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ ضِيقِ الدُّنْيَا، وَضِيقِ
[الْمُقَامِ] يَوْمِ الْقِيَامَةِ».

⁵³ Саҳихи Муслим, 2720.

⁵⁴ Сунани Насоий, 1305. Ҳадис ҳукми: «саҳих». Манба: «Саҳих ал-жомеъ, 1301».



55. Аллоҳим, дунёning торлигидан ва қиёмат [манзилгоҳи] торлигидан Сендан паноҳ тилайман.⁵⁵

«اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ قَلْبٍ لَا يَخْشَعُ،
وَمِنْ دُعَاءٍ لَا يُسْمَعُ، وَمِنْ نَفْسٍ لَا تَشْبَعُ،
وَمِنْ عِلْمٍ لَا يَنْفَعُ أَعُوذُ بِكَ مِنْ هَوْلَاءِ
الْأَرْبَعِ». .

56. Аллоҳим, Сендан қўрқмайдиган қалбдан, ижобат қилинмайдиган дуодан,

⁵⁵ Сунани Абу Довуд, 5085 Ҳадис ҳукми: «ҳасан-саҳиҳ». Манба: «Саҳиҳи Сунани Абу Довуд, 5085». Ҳадисдаги «манзилгоҳ» калимаси 766-ҳадисда келган. У ҳадис ҳам саҳиҳ: «Саҳиҳи Сунани Абу Довуд, 766». [Расулуллоҳ  тунда ўринларидан қўзгалсалар, такбирни, таҳмидни, «Бисмиллаҳи вабихамдиҳи»ни, «Субҳанал Маликул Қуддус»ни, истиффорни ва таҳлилини ўн марта айтиб, юқоридағи дуони ҳам ўн марта айтардилар].



тўймайдиган нафсдан ва фойда бермайдиган илмдан паноҳ тилайман. Сендан ушбу тўрт нарсадан паноҳ беришингни сўрайман.⁵⁶

«اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ شَرِّ مَا عَمِلْتُ،
وَمِنْ شَرِّ مَا لَمْ أَعْمَلْ». .

57. Аллоҳим, мен Сендан қилган ишларимнинг ёмонлигидан ва қилмаган ишларимнинг ёмонлигидан паноҳ тилайман.⁵⁷

«اللَّهُمَّ لَا تُخْزِنِي يَوْمَ الْقِيَامَةِ».

58. Аллоҳим, қиёмат куни мени маҳзун қилмагин.⁵⁸

⁵⁶ Сунани Термизий, 3482.

⁵⁷ Саҳихи Муслим, 2716.

⁵⁸ Муснади Аҳмад, 18056. Шуайб Арнаут саҳих деган.

«اللَّهُمَّ افْتَحْ لِي أَبْوَابَ رَحْمَتِكَ».

59. Аллоҳим, менга раҳмат эшикларинг-ни очгин!⁵⁹

«اللَّهُمَّ اجْعَلْنِي مِنَ التَّوَابِينَ،
وَاجْعَلْنِي مِنَ الْمُتَطَهِّرِينَ».

60. Аллоҳим, мени тавба қилувчилардан ва покланувчилардан қилгин.⁶⁰

⁵⁹ Саҳиҳи Муслім, 713. [Бу дуони масжидга кирганда ўқиш ҳам суннатдир].

⁶⁰ Сунани Термизий, 55. Ҳадис ҳукми: «саҳиҳ». Манба: «Ирвоул ғалил, 135/1». [«Набий ﷺ: «Сизлардан бирор киши мұкаммал таҳорат қилиб, сүнгра (шаҳодат қалимасини ва юқоридағы дуони) айтса, унинг учун жаннаттинг саккиз эшиги очлади. У ўша эшикларнинг хоҳлаганидан киради», деганлар】.



«اللَّهُمَّ وَأَسْأَلُكَ خَشْيَتَكَ فِي الْغَيْبِ
 وَالشَّهادَةِ، وَأَسْأَلُكَ كَلِمَةَ الْحَقِّ فِي الرِّضَا
 وَالْغَضَبِ، وَأَسْأَلُكَ الْقَصْدَ فِي الْفَقْرِ
 وَالْغِنَى، وَأَسْأَلُكَ نَعِيْمًا لَا يَنْفَدُ، وَأَسْأَلُكَ
 قُرَّةَ عَيْنٍ لَا تَنْقَطِعُ، وَأَسْأَلُكَ الرِّضَاءَ بَعْدَ
 الْقَضَاءِ، وَأَسْأَلُكَ بَرْدَ الْعَيْشِ بَعْدَ الْمَوْتِ،
 وَأَسْأَلُكَ لَذَّةَ النَّظَرِ إِلَى وَجْهِكَ، وَالشَّوْقَ
 إِلَى لِقَائِكَ فِي غَيْرِ ضَرَاءٍ مُضِرَّةٍ، وَلَا فِتْنَةٍ
 مُضِلَّةٍ، اللَّهُمَّ زَيِّنَا بِزِينَةِ الإِيمَانِ، وَاجْعَلْنَا
 هُدَاةً مُهْتَدِينَ».

61. Эй Аллоҳ! Мени ошкору ғайб ишларда Үзингдан бўлган қўрқув сўрайман.



Розилигу ғазабда ҳақни сўзлашни сўрайман. Бойлиқда ҳам, фақирликда ҳам тежамкорлик беришингни сўрайман. Туганмас неъмат, узилмас севинч сўрайман. Қазо-хукмдан кейин розиликни, ўлимдан сўнг яхши ҳаётни сўрайман. Юзингни кўриш лаззатини ва зарарли қайғуларсиз, адаштирувчи фитналарсиз висолинг шавқини сўрайман! Аллоҳим, бизни иймон зийнати или зийнатла ва тўғри йўлга бошловчи, тўғри йўлда юрувчилардан қил.⁶¹

«اللَّهُمَّ فَاطِرُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ عَالِمُ الْغَيْبِ
وَالشَّهَادَةِ، لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ، رَبُّ كُلِّ شَيْءٍ
وَمَلِيكُهُ، أَعُوذُ بِكَ مِنْ شَرِّ نَفْسِي، وَمِنْ شَرِّ

⁶¹ Сунани Насоий, 1305. Ҳадис ҳукми: «саҳих». Манба: «Саҳихи Насоий», 1304».



الشَّيْطَانُ وَشِرْكُهُ، وَأَنْ أَقْتَرَفَ عَلَى نَفْسِي
سُوءًا أَوْ أَجْرَهُ إِلَى مُسْلِمٍ».

62. Осмонлару ернинг яратувчиси, ғайбу ошкорни билувчи, барча мавжудотнинг Рабби ва Малики-подшоҳи бўлган Аллоҳим! Гувоҳлик бераманки, Сендан ўзга (ҳақ) маъбуд йўқ! Нафсимнинг ёмонлигидан, шайтоннинг ёмонлигидан ва унинг ширк келтиришга чақириб қиласидан паноҳ беришингни илтижо қиласман. Ўзимга ёки бошқа бир мусулмонга ёмонлик етказишдан паноҳ тилайман.⁶²

⁶² Сунани Термизий, 3529. Ҳадис ҳукми: «саҳиҳ». Манба: «Саҳиҳул жомеъ, 7813».



АЛЛОҲДАН ОЛАМНИНГ ВА ОДАМЛАРНИНГ АҲВОЛИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШИНИ СЎРАШ

«يَا حَيُّ يَا قِيَوْمُ بِرَحْمَتِكَ أَسْتَغِيثُ ، أَصْلَحْ
لِي شَأْنِي كُلُّهُ ، وَلَا تَكْلِنِي إِلَى نَفْسِي
طَرْفَةً عَيْنٍ».

63. Эй Ҳай, эй Қайюм! Сенинг раҳматинг билан мадад сўрайман. Менинг бутун ишимни ўнгла ва мени бирон лаҳза ҳам ўзимга топшириб қўйма.⁶³

«اللَّهُمَّ اكْفِنِي بِحَلَالِكَ عَنْ حَرَامِكَ ،
وَأَغْنِنِنِي بِفَضْلِكَ عَمَّنْ سِوَاكَ».

⁶³ Ҳоким: «Мустадрак», 2000. Ҳадис ҳукми: «ҳасан». Манба: «Ас-Силсила ас-саҳиҳа, 557/7».



64. Аллоҳим, мени ҳалолинг орқали ҳаромингдан сақлагин. Ўзингнинг фазлинг билан ўзгалардан беҳожат қилгин.⁶⁴

اللَّهُمَّ إِنِّي عَبْدُكَ ، ابْنُ عَبْدِكَ ، ابْنُ أَمْتِكَ ،
 نَاصِيَّتِي بِيَدِكَ ، مَاضٍ فِي حُكْمِكَ ، عَدْلٌ
 فِي قَضَاؤكَ ، أَسْأَلُكَ بِكُلِّ اسْمٍ هُوَ لَكَ
 سَمِّيَّتَ بِهِ نَفْسَكَ ، أَوْ عَلَمْتَهُ أَحَدًا مِنْ
 خَلْقِكَ ، أَوْ أَنْزَلْتَهُ فِي كِتَابِكَ ، أَوْ اسْتَأْثَرْتَ
 بِهِ فِي عِلْمِ الْغَيْبِ عِنْدَكَ ، أَنْ تَجْعَلَ الْقُرْآنَ
 رَبِيعَ قَلْبِي ، وَنُورَ صَدْرِي ، وَجَلَاءَ حُزْنِي ،
 وَذَهَابَ هَمِّي .

⁶⁴ Сунани Термизий, 3563. Ҳадис ҳукми: «ҳасан». Манба: «Саҳиҳ ат-тарғиб, 1820».



65. Аллоҳим, мен сенинг қулингдирман. Қулингни боласиман. Чўрингни боласиман. Пешонам сенинг қўлингдадир. Ҳукминг менинг устимда жорийдир. Менинг устимда қилган қазойи-қадарингadolatdir. Сен ўзингни номлаган ёки яратган маҳлуқларингдан биронтасига билдирган ёки китобингда нозил қилган ёки сенинг хузурингда беркитиб қўйган ҳар бир исмларинг билан сендан сўрайманки: Қуръонни қалбимнинг баҳори, кўнглимнинг нури, хафалигимни кетказувчи ва ғамимни аритгувчи қилгин.⁶⁵

⁶⁵ Муснади Аҳмад, 3712. Саҳиҳи Ибн Ҳиббон, 972 (бироз ўзгариш билан келган). Ҳадис ҳукми: «саҳиҳ». Манба: «Тахриж ал-авосим вал қавосим, 272/6». [Набий ﷺ: «Бандага бирор ғам ва маҳзунлик етганда (юқоридаги дуони) ўқиса, Аллоҳ у банданинг ғамини ва маҳзунлигини кетказиб, ўрнини енгилликка, шодликка алмаштириб қўяди», деганлар].



اللَّهُمَّ رَبَّ السَّمَاوَاتِ وَرَبَّ الْأَرْضِ، وَرَبَّ
 الْعَرْشِ الْعَظِيمِ رَبَّنَا، وَرَبَّ كُلِّ شَيْءٍ، فَالْقَانِ
 الْحَبِّ وَالنَّوْيِ، وَمُنْزِلَ التَّوْرَاةِ وَالْإِنْجِيلِ وَالْفُرْقَانِ
 أَعُوذُ بِكَ مِنْ شَرِّ كُلِّ شَيْءٍ أَنْتَ آخِذُ بِنَاصِيَتِهِ،
 اللَّهُمَّ أَنْتَ الْأَوَّلُ فَلَيْسَ قَبْلَكَ شَيْءٌ، وَأَنْتَ
 الْآخِرُ فَلَيْسَ بَعْدَكَ شَيْءٌ، وَأَنْتَ الظَّاهِرُ فَلَيْسَ
 فَوْقَكَ شَيْءٌ، وَأَنْتَ الْبَاطِنُ فَلَيْسَ دُونَكَ شَيْءٌ
 إِقْضِي عَنَّا الدِّينَ، وَأَغْنِنَا مِنَ الْفَقْرِ».

66. Осмон ва ернинг Рабби, улугъ арш
 Рабби, бизнинг ҳамда барча нарсанинг
 Рабби, уруғу данакни ёрувчи, ундирув-
 чи, Таврот, Инжил ҳамда Куръонни но-
 зил этувчи эй Аллоҳ! Сен пешонасидан
 тутган (яъни, салтанатинг остидаги) ҳар



бир нарсанинг ёмонлигидан паноҳ беришингни сўрайман. Эй Аллоҳ! Сен Аввалдирсан, Сендан олдин ҳеч нарса йўқ! Сен Охирдирсан, Сендан сўнг ҳеч нарса йўқ. Сен Зоҳирдирсан, Сенинг тепангда ҳеч нарса йўқ! Сен Ботиндирсан (яқиндирсан), Сендан яқинроқ ҳеч нарса йўқ! Бизнинг зиммамиздан қарзни ўта ва бизни фақириликдан бой этгил.⁶⁶

«اللَّهُمَّ لَا سَهْلٌ إِلَّا مَا جَعَلْتَهُ سَهْلًا، وَأَنْتَ تَجْعَلُ الْحَزَنَ إِذَا شِئْتَ سَهْلًا».

67. Аллоҳим, Сен енгил этган нарсагина енгилдир. Агар Сен хоҳласанг, қаттиқ қийинчиликни ҳам енгил қилиб қўясан.⁶⁷

⁶⁶ Саҳиҳи Муслим, 2713.

⁶⁷ Ибн Сунний : Амалул явми вал-лайлати, 351. Ҳадис ҳукми: «саҳиҳ». Манба: «Ас-силсила ас-саҳиҳа, 2886».



«اللَّهُمَّ رَحْمَتَكَ أَرْجُو، فَلَا تَكْلِنِي إِلَى نَفْسِي
 طَرْفَةً عَيْنٍ، وَأَصْلِحْ لِي شَأْنِي كُلُّهُ، لَا إِلَهَ
 إِلَّا أَنْتَ». ⁶⁸

68. Аллоҳим, раҳматингни умид қиласман. Мени ўз ҳолимга кўз очиб юмгунчалик ҳам ташлаб қўйма. Барча ишларимни ислоҳ эт. Сендан ўзга ҳақ илоҳ йўқ.⁶⁸

«اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ مِنْ فَضْلِكَ».

69. Аллоҳим, сендан фазлингни сўрайман.⁶⁹

⁶⁸ Сунани Абу Довуд, 5090. Ҳадис ҳукми: «ҳасан». Манба: «Саҳиҳи Сунани Абу Довуд, 5090».

⁶⁹ Саҳиҳи Муслим, 713. [Бу дуони масжидга кирганда ўқиш ҳам суннатдир].



«اللَّهُمَّ اجْعِلْ أَوْسَعَ رِزْقَكَ عَلَيَّ عِنْدَ كِبَرٍ
سِنَّى وَانْقِطَاعٍ عُمْرِي».

70. Аллоҳим, ёшим улғайиб, умрим охир-лаганда менга берадиган ризқингни кенг қилгин!⁷⁰



⁷⁰ Жалолиддин Суютий «Ал-Жомеъ-ас-сағиyr», 1485. Ҳадис ҳукми: «саҳиҳ». Манба: «Саҳиҳул жомеъ, 1255». Мұҳаддис кейинчалик бу ҳукмидан қайтиб, ҳадисни заифға чиқарғани айтилган: Манба: «Ас-силсила ас-саҳиҳа, 1385».



АЛЛОХДАН АФВУ-ОФИЯТ СҮРАШ

«اللَّهُمَّ إِنِّي عَفْوُ تُحِبُّ الْعَفْوَ
فَاعْفُ عَنِّي».

71. Аллоҳим, Сен кечиргувчи Зотсан, кечиришни яхши кўрасан. Менинг гуноҳларимни ҳам кечиргин.⁷¹

«اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ الْعَفْوَ وَالْعَافِيَةَ فِي الدُّنْيَا
وَالْآخِرَةِ، اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ الْعَفْوَ وَالْعَافِيَةَ
فِي دِينِي وَدُنْيَايَ وَأَهْلِي وَمَالِي، اللَّهُمَّ اسْتُرْ

⁷¹ Сунани Ибн Можа, 3850. Ҳадис ҳукми: «саҳиҳ». Манба: «Саҳиҳул жомеъ, 4423».



عَوْرَاتِي، وَآمِنْ رَوْعَاتِي، وَاحْفَظْنِي مِنْ بَيْنِ
 يَدَيِّ، وَمِنْ خَلْفِي، وَعَنْ يَمِينِي، وَعَنْ
 شِمَالِي، وَمِنْ فَوْقِي، وَأَعُوذُ بِكَ أَنْ أُغْتَالَ
 مِنْ تَحْتِي».

72. Аллоҳим, мен Сендан дунё ва охиратда афву-офият сўрайман. Аллоҳим, мен Сендан динимда, дунёйимда, ахли-оиламда ва мол-мулкимда афву-офият тилайман. Аллоҳим, менинг айбларимни беркит! Қўрқувимни кетказ. Аллоҳим, мени олдимдан ҳам, ортимдан ҳам, ўнгимдан ҳам, чапимдан ҳам, тепамдан ҳам Ўзинг сақла! Остимдан балога йўлиқишдан (ер ютишидан) Сендан паноҳ сўрайман.⁷²

⁷² Сунани Ибн Можа, 3871. Ҳадис ҳукми: «саҳиҳ». Манба: «Саҳиҳи Ибн Можа, 3135».



«اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ الْمُعَافَةَ
فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ».

73. Аллоҳим, Сендан дунё ва охиратда оғият (соғлик, түғрилиқ) сўрайман!⁷³

«اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ الْعَفْوَ وَالْعَافِيَةَ ، وَالْيَقِينَ
فِي الْآخِرَةِ وَالْأُولَى».

74. Аллоҳим, Сендан дунё ва охиратда афв, оғият ва иймон-ишенч сўрайман.⁷⁴

⁷³ Сунани Ибн Можа, 3851. Ҳадис ҳукми: «саҳиҳ». Манба: «Саҳиҳи Ибн Можа», 3120».

⁷⁴ Муснади Аҳмад, 6. Шуайб Арнаут саҳиҳ деган. Ҳадисда дуо айни шу лафзда келмаган, балки «Аллоҳдан дунё ва охиратда афв, оғият ва иймон-ишенч сўранглар», дейилган.



«اللَّهُمَّ عَافِنِي فِي بَدْنِي، اللَّهُمَّ عَافِنِي
فِي سَمْعِي، اللَّهُمَّ عَافِنِي فِي بَصَرِي،
لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ».

75. Аллоҳим, менинг баданимни, қулоғимни ва кўзимни соғлом қил — оғият бер! Сендан ўзга ҳақ илоҳ йўқ!⁷⁵

«اللَّهُمَّ مَتَّعْنِي بِسَمْعِي وَبَصَرِي وَاجْعَلْهُمَا
الْوَارِثَ مِنِّي ، وَانْصُرْنِي عَلَى مَنْ يَظْلِمُنِي ،
وَخُذْ مِنْهُ بِثَأْرِي».

76. Аллоҳим, мени қулоғим ва кўзим ила нафлантиргин ва уларни менга меросхўр

⁷⁵ Сунани Абу Довуд, 5090. Ҳадис ҳукми: «ҳасан». Манба: «Саҳиҳи Сунани Абу Довуд, 5090».



қил (яъни, вафот этгунимча омонда қил). Менга бўлган зулмга қарши Ўзинг нусрат бергин ва Ўзинг ундан ўчимни олгин.⁷⁶



⁷⁶ Сунани Термизий, 3604. Ҳадис ҳукми: «ҳасан». Манба: «Саҳиҳи Термизий, 3604».



РУҲИЙ ВА БАДАНИЙ ОФАТЛАРДАН ПАНОҲ СЎРАШ

«اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْعَجْزِ وَالْكَسَلِ،
وَالْجُبْنِ وَالْبُخْلِ، وَالْهَرَمِ وَالْقَسْوَةِ، وَالْغَفْلَةِ،
وَالْعِيَلَةِ وَالْذَّلَّةِ وَالْمَسْكَنَةِ، وَأَعُوذُ بِكَ مِنَ
الْفَقْرِ وَالْكُفْرِ، وَالْفُسُوقِ، وَالشَّقَاقِ، وَالنِّفَاقِ
وَالسُّمْعَةِ، وَالرِّيَاءِ، وَأَعُوذُ بِكَ مِنَ الصَّمَمِ
وَالْبَكَمِ وَالْجُنُونِ، وَالْجُذَامِ، وَالْبَرَصِ،
وَسَيِّئِ الْأَسْقَامِ».

77. Аллоҳим, Сенинг номинг ила ожизликдан, дангасаликдан, қўрқоқлиқдан, баҳиллиқдан, кексалик заифлигидан, қалбнинг шафқатсизлигидан, ғафлатдан,



қашшоқлиқдан, хорлиқдан ва мискинликдан паноҳ тилайман. Сенинг номинг билан фақирлиқдан ва куфрдан, фосиқлиқдан, адоват бирла ҳақни тан олмаслиқдан, мунофиқлиқдан, сумъа (хўжа кўрсин)дан, риёдан паноҳ беришингни сўрайман. Сенинг номинг билан карлик, соқовлиқдан, мажнунлик, пес, мохов ва оғир дардлардан паноҳ сўрайман.⁷⁷

«اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْجُوعِ، فَإِنَّهُ بِئْسَ
الضَّحِيعُ، وَأَعُوذُ بِكَ مِنَ الْخِيَانَةِ، فَإِنَّهَا
بِئْسَتِ الْبِطَانَةُ.».

78. Аллоҳим, Сенинг номинг ила очликдан паноҳ тилайман. Чунки у ёмон ётоқ-

⁷⁷ Жалолиддин Суютий «Ал-Жомеъ-ас-сағийр», 1485. Ҳадис ҳукми: «саҳиҳ». Манба: «Саҳихул жомеъ, 1285».



дошдир. Ва хиёнатдан паноҳ тилайман, чунки у ички туйғуларнинг ёмонидир.⁷⁸

«اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْبُخْلِ، وَالْجُنُبِ،
وَسُوءِ الْعُمُرِ، وَفِتْنَةِ الصَّدْرِ، وَعَذَابِ الْقَبْرِ».

79. Аллоҳим, Сенинг номинг ила баҳиллиқдан, қўрқоқликдан, беҳуда умрдан, қалб гумроҳлиги ва қабр азобидан паноҳ сўрайман.⁷⁹

«اللَّهُمَّ آتِنَفْسِي تَقْوَاهَا، وَزَكَّها أَنْتَ خَيْرُ
مَنْ زَكَّاهَا، أَنْتَ وَلِيَهَا وَمَوْلَاهَا، اللَّهُمَّ إِنِّي
أَعُوذُ بِكَ مِنْ عِلْمٍ لَا يَنْفَعُ، وَمِنْ قَلْبٍ لَا

⁷⁸ Сунани Абу Довуд, 1547. Ҳадис ҳукми: «ҳасан». Манба: «Саҳиҳи Сунани Абу Довуд, 1547».

⁷⁹ Сунани Насоий, 5446. Ҳадис ҳукми: «саҳиҳ-лиғориҳи». Манба: «Саҳиҳи Насоий, 5496».



يَخْشَعُ، وَمِنْ نَفْسٍ لَا تَشْبَعُ، وَمِنْ دَعْوَةٍ لَا يُسْتَجَابُ لَهَا».

80. Аллоҳим! Нафсимга тақво бериб, уни поклагин, уни Ўзингдан афзал покловчи йўқ, Сен нафсимнинг валийси ва хожасисан. Аллоҳим, мен Сендан фойда бермайдиган илмдан, кўрқмайдиган қалбдан, тўймайдиган нафсдан ва ижобат қилинмайдиган дуодан паноҳ тилайман.⁸⁰

«اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْهَمِّ وَالْحَزَنِ،
وَالْعَجْزِ وَالْكَسَلِ، وَالْبُخْلِ وَالْجُبْنِ، وَضَلَاعِ
الدِّينِ وَغَلَبَةِ الرِّجَالِ».

⁸⁰ Сахихи Муслим, 2722. [Саҳобайи киром Зайд ибн Арқам رض: «Мен сизларга Расулуллоҳ ﷺ айтган нарсадан бошқасини айтмайман», деб, юқоридаги дуони айттардилар].



81. Аллоҳим, мен Сендан ташвишу-ғамдан, ожизлиқдан, ялвоқлиқдан, баҳиллиқдан, кўрқоқлиқдин, қарз юки ва кишиларнинг устимдан ғолиб бўлишидан паноҳ сўрайман.⁸¹

«اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ جَهَدِ الْبَلَاءِ وَدَرَكِ الشَّقَاءِ وَسُوءِ الْقَضَاءِ وَشَمَائِتَةِ الْأَعْدَاءِ».

82. Аллоҳим, менга оғир балодан, баҳтсизлик етишидан, қазою қадарнинг ёмонидан ва ғанимларнинг шодлигидан паноҳ бер.⁸²

⁸¹ Саҳихи Бухорий, 5425.

⁸² Саҳихи Бухорий, 6347. [Расулуллоҳ ﷺ умум ўла-роқ ушбу нарсалардан паноҳ тилаганликлари Бухорийда келган. Аммо «Аллоҳим мен Сендан...» шакли Табаронийда (1340) келган. Ровийлардан Суфён ибн Уяна омонат юзасидан: «Ҳадисда учта нарса эди, мен битта қўшдим, у қайси бирилигини билмайман», деганлар].



«اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ يَوْمٍ السَّوْءِ، وَمِنْ لَيْلَةِ السَّوْءِ، وَمِنْ سَاعَةِ السَّوْءِ، وَمِنْ صَاحِبِ السَّوْءِ، وَمِنْ جَارِ السَّوْءِ فِي دَارِ الْمُقَامَةِ».

83. Аллоҳим, мен Сендан ёмон кун, ёмон кеча ва ёмон вақтдан, ёмон шерикдан ҳамда истиқомат қиладиган ҳовлимдаги ёмон қўшнидан паноҳ беришингни сўрайман.⁸³

«اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْهَدْمِ، وَأَعُوذُ بِكَ مِنَ التَّرَدِّي، وَأَعُوذُ بِكَ مِنَ الْغَرَقِ، وَالْحَرَقِ، وَالْهَرَمِ، وَأَعُوذُ بِكَ أَنْ يَتَخَبَّطَنِي الشَّيْطَانُ

⁸³ Жалолиддин Суютий «Ал-Жомеъ-ас-сағийр», 2179. Ҳадис ҳукми: «ҳасан». Манба: «Саҳихул жомеъ, 1299».



عِنْدَ الْمَوْتِ، وَأَعُوذُ بِكَ أَنْ أَمُوتَ فِي سَبِيلِكَ
مُذْبِرًا، وَأَعُوذُ بِكَ أَنْ أَمُوتَ لَدِيغًا».

84. Аллоҳим, мен Сендан бирор нарса босиб қолишидан асрашингни сўрайман ва баландлиқдан қулашдан сақлашингни сўрайман. Сендан ғарқ бўлишдан, кушишдан ва ўта қариликдан паноҳ тилайман. Сендан ўлим олдидаги шайтоннинг бузғунчилигидан муҳофаза қилишингни сўрайман. Сенинг йўлингдан ортга чекинган ҳолда ўлишдан паноҳ тилайман. Бирор нарса чақиб ўлишдан Сендан паноҳ сўрайман». ⁸⁴

«اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ زَوَالِ نِعْمَتِكَ، وَتَحْوُلِ عَافِيَتِكَ، وَفُجَاءَةِ نِقْمَتِكَ، وَجَمِيعِ سَخَطِكَ».

⁸⁴ Сунани Абу Довуд, 1552. Ҳадис ҳукми: «саҳиҳ». Манба: «Саҳиҳи Сунани Абу Довуд, 1552».



85. «Аллоҳим, неъматингнинг заволидан, оғиятнинг ёмонликка ўзгариб кетишидан, қўққисдан келувчи азоб-уқубатингдан ва ғазабингга сабаб бўлувчи жамики нарсалардан муҳофаза қилишингни сўрайман».⁸⁵

«اللَّهُمَّ أَعُوذُ بِرِضَاكَ مِنْ سَخْطِكَ، وَبِمُعَافَاتِكَ
مِنْ عُقُوبَتِكَ. وَأَعُوذُ بِكَ مِنْكَ، لَا أُحْصِي
ثَنَاءً عَلَيْكَ أَنْتَ كَمَا أَثْنَيْتَ عَلَى نَفْسِكَ».

86. Аллоҳим, розилигинг ила ғазабингдан, оғиятинг ила уқубатингдан панох тилайман. (Ғазабингдан) Ўзингдан панох сўрайман. Мақтовингнинг адогига ета олмайман. Сен Ўзингни қандай мақтаган бўлсанг, ўшандайсан.⁸⁶

⁸⁵ Саҳихи Муслим, 2739.

⁸⁶ Саҳихи Муслим, 486. [Расулуллоҳ ﷺ тунгги намозларида, саждада ушбу дуони айтар эдилар].



«اللَّهُمَّ جَنِّبْنِي مُنْكَرَاتِ الْأَخْلَاقِ، وَالْأَهْوَاءِ،
وَالْأَعْمَالِ وَالْأَدْوَاءِ».

87. Аллоҳим, мени хулқларнинг, ҳавои и нафснинг, амалларнинг ва касалликларнинг ёмонидан йироқ қилгин!⁸⁷

«اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ شَرِّ سَمْعِي، وَمِنْ
شَرِّ بَصَرِي، وَمِنْ شَرِّ لِسَانِي، وَمِنْ شَرِّ قَلْبِي،
وَمِنْ شَرِّ مَنِّي».

88. Аллоҳим, мен Сендан қулоғимнинг ёмонлигидан, кўзимнинг ёмонлигидан, тилимнинг ёмонлигидан, қалбим ёмон-

⁸⁷ Ҳоким, 1949. Имом Муслимнинг шартларига кўра сахих.



лигидан ва фаржимнинг ёмонлигидан паноҳ тилайман.⁸⁸

«اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْبَرَصِ، وَالْجُنُونِ،
وَالْجُذَامِ، وَمِنْ سَيِّئِ الْأَسْقَامِ».

89. «Аллоҳим, Сендан моховлик, песлик, жиннилик ва (барча) ёмон касалликлардан паноҳ сўрайман.

«اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْفَقْرِ، وَالْقِلَّةِ،
وَالذِّلَّةِ، وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ أَنْ أَظْلِمَ، أَوْ أُظْلَمَ».

⁸⁸ Сунани Абу Довуд, 1551. Ҳадис ҳукми: «саҳиҳ». Манба: «Саҳиҳи Сунани Абу Довуд, 1551». [Дуодаги «маний» лафзини баъзи уламолар «фарж» деб шарҳлашган. Дуо ушбу уламоларнинг шарҳи ва унинг эркагу-аёлга тааллуқли экани эътиборга олиниб таржима қилинди].

⁸⁹ Сунани Абу Довуд, 1554. Ҳадис ҳукми: «саҳиҳ». Манба: «Саҳиҳи Сунани Абу Довуд, 1554».



90. Аллоҳим, камбағалликдан, ризқнинг озлигидан хорликдан асрагин. Зулм қилишдан ёки бирордан зулм кўришдан паноҳингда сақлашингни сўрайман.⁹⁰



⁹⁰ Сунани Абу Довуд, 1544. Ҳадис ҳукми: «саҳиҳ». Манба: «Саҳиҳи Сунани Абу Довуд, 1544».



ФИТНАЛАРДАН ПАНОХ ТИЛАШ

«اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ فِعْلَ الْخَيْرَاتِ، وَتَرْكَ
الْمُنْكَرَاتِ، وَحُبَّ الْمَسَاكِينِ، وَإِذَا أَرَدْتَ
بِعِبَادِكَ فِتْنَةً فَاقْبِضْنِي إِلَيْكَ غَيْرَ مَفْتُونٍ».

91. Аллоҳим, албатта, мен Сендан яхши амаллар қилишимни, ёмонликларни тарк этишим ва мискинларга муҳаббатли бўлишимни тилайман. Аллоҳим қачонки бир қавмни фитнага дучор қилишни хоҳласанг, мени фитнага учрамаган ҳолимда жонимни олишингни сўрайман.⁹¹

⁹¹ Сунани Термизий, 3233. Ҳадис ҳукми: «саҳиҳ». Манба: «Саҳиҳул жомеъ ас-сағир, 59».



«اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْكَسَلِ وَالْهَرَمِ،
 وَالْمَأْثِمِ وَالْمَغْرَمِ، وَمِنْ فِتْنَةِ الْقَبْرِ وَعَذَابِ
 الْقَبْرِ، وَمِنْ فِتْنَةِ النَّارِ وَعَذَابِ النَّارِ، وَمِنْ
 شَرِّ فِتْنَةِ الْغِنَى، وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ فِتْنَةِ الْفَقْرِ،
 وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ فِتْنَةِ الْمَسِيحِ الدَّجَالِ، اللَّهُمَّ
 اغْسِلْ عَنِّي خَطَايَايَ بِمَاءِ الشَّلْجِ وَالْبَرَدِ، وَنَقِّ
 قَلْبِي مِنَ الْخَطَايَا كَمَا نَقَّيْتَ التَّوْبَ الْأَبِيسَنَ
 مِنَ الدَّنَسِ، وَبَا عِدْ بَيْنِي وَبَيْنَ خَطَايَايَ كَمَا
 بَا عَدْتَ بَيْنَ الْمَشْرِقِ وَالْمَغْرِبِ».

92. Аллоҳим, мен Сендан дангасалик-дан, қартайиб кетишдан, гуноҳкорлик-дан, қарздорликдан, қабр фитнасидан ва қабр азобидан, жаҳаннам фитнасидан ва



жаҳаннам азобидан, бойлик фитнасининг ёмонлигидан паноҳ тилайман. Сендан фақирлик фитнасидан ҳам паноҳ тилайман. Сендан яна масих Дажжол фитнасидан ҳимоя қилишингни сўрайман.

Аллоҳим, менинг хатоларимни қорва дўл суви билан ювгин! Қалбимни хатолардан худди оқ либосни кирлиқдан поклаганингдек поклагин. Мен билан гуноҳларимнинг орасини машриқ билан мағриб орасини узоқ қилганингдек узоқ қилгин».⁹²

«اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ عَذَابِ الْقَبْرِ،
وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ فِتْنَةِ الْمَسِيحِ الدَّجَالِ، وَأَعُوذُ
بِكَ مِنْ فِتْنَةِ الْمَحْيَا وَفِتْنَةِ الْمَمَاتِ، اللَّهُمَّ
إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْمَأْثَمِ وَالْمَغْرَمِ».

⁹² Саҳиҳи Бухорий, 6368.



93. «Аллоҳим, қабр азобидан паноҳингга қочаман. Масиҳ Дажжолдан паноҳингга қочаман. Ҳаёт фитнаси ва ўлим фитнасидан паноҳингга қочаман. Аллоҳим, гуноҳкорлик ва қарздорлиқдан паноҳингга қочаман.⁹³



⁹³ Саҳиҳи Бухорий, 832.



АЛЛОХДАН МУХОФАЗА ВА НУСРАТ СҮРАШ

﴿رَبَّنَا لَا تَجْعَلْنَا فِتْنَةً لِّلَّذِينَ كَفَرُوا﴾، ﴿رَبَّنَا لَا
تَجْعَلْنَا فِتْنَةً لِّلْقَوْمِ الظَّالِمِينَ﴾

94. «Раббимиз, бизларни бу кофир бўлган кимсаларга алдангувчи қилиб қўймагин».

«Раббимиз, бизларни бу золим қавмга мафтун — алданувчи қилиб қўйма».⁹⁴

﴿رَبَّنَا أَجْعَلْ لَنَا مِنْ لَدُنْكَ وَلِيًّا وَأَجْعَلْ لَنَا مِنْ
لَدُنْكَ نَصِيرًا﴾

⁹⁴ Мумтаҳана: 5; Юнус, 85



95. «Раббимиз, бизга ўз ҳузурингдан бир дўст бергин ва бизга ўз ҳузурингдан бир ёрдамчи қилгин».⁹⁵

رَبِّ أَدْخِلْنِي مُدْخَلَ صِدْقٍ وَأَخْرِجْنِي مُخْرَجَ
صِدْقٍ وَأَجْعَلْ لِي مِنْ لَدُنْكَ سُلْطَانًا نَصِيرًا

96. «Раббим, мени (қабримга) ҳаққи-рост (яъни, гуноҳлардан пок бўлган ҳолимда) дохил қилгин ва (Киёмат Куни тирилтирганингда ҳам) ҳаққи-рост (ўнг томоним билан) чиқаргин, ҳамда мен учун ўз даргоҳингдан бир мададкор қувват ато қилгин».⁹⁶

رَبِّ نَجِّنِي مِنَ الْقَوْمِ الظَّالِمِينَ

⁹⁵ Нисо: 75.

⁹⁶ Исрo: 80



97. «Раббим, менга бу золим қавмдан на-
жот бергин». ⁹⁷

﴿رَبِّ أَعُوذُ بِكَ مِنْ هَمَزَاتِ الشَّيَاطِينِ ﴾٩٧
﴿بِكَ رَبِّ أَنْ يَخْضُرُونَ ﴾٩٨﴾

98. «Раббим, мен Сендан шайтонлар-
нинг васвасаларидан паноҳ беришингни
сўрайман.

Яна мен Сендан (ё) Раббим, улар ме-
нинг ҳузуримга келишларидан паноҳ бе-
ришингни сўрайман». ⁹⁸

«رَبِّ أَعِنّي وَلَا تُعِنْ عَلَيَّ، وَانصُرْنِي وَلَا
تَنْصُرْ عَلَيَّ، وَامْكُرْ لِي وَلَا تَمْكُرْ عَلَيَّ،

⁹⁷ Таҳрим: 11.

⁹⁸ Муъминун: 97-98.

وَاهْدِنِي وَيَسِّرْ هُدَائِي إِلَيْ، وَانْصُرْنِي
 عَلَى مَنْ بَغَى عَلَيْ، اللَّهُمَّ اجْعَلْنِي لَكَ
 شَاكِرًا، لَكَ ذَاكِرًا، لَكَ رَاهِبًا، لَكَ مِطْوَاعًا
 إِلَيْكَ، مُخْبِتًا، أَوْ مُنِيبًا، رَبِّ تَقَبَّلْ تَوْبَتِي،
 وَاغْسِلْ حَوْبَتِي، وَأَجِبْ دَعْوَتِي، وَثَبِّتْ
 حُجَّتِي، وَاهْدِ قَلْبِي، وَسَدِّدْ لِسَانِي، وَاسْلُلْ
 سَخِيمَةَ قَلْبِي».

99. Раббим, менга ёрдам бер. Менга қарши ёрдам берма. Менга ғалаба, нусрат бер, мени мағлуб қилма. Менга макр бер, менга қарши макр қилишларига йўл берма. Мени тўғри йўлга ҳидоят қилиб, бу ҳидоятни Ўзинг осон қил. Менга тажовуз қилганларга қарши куч бер. Раббим, мени шукр қиласиган, зикр қиласиган,



Үзингдан қўрқадиган, Үзингга бўйсунадиган, Үзингга тобе бўлган ё Үзингга қайтадиган қил. Раббим, тавбамни қабул қилиб, гуноҳимни кетказ, дуоимни ижобат қил, ҳужжатимни ўткир қил, қалбими ни ҳидоят қил, тилимни тўғри сўзловчи қил, қалбимдан ғазаб, адоват, нафратни чиқариб ташла.⁹⁹

«اللَّهُمَّ احْفَظْنِي بِالإِسْلَامِ قَائِمًا، وَاخْفَظْنِي
 بِالإِسْلَامِ قَاعِدًا، وَاخْفَظْنِي بِالإِسْلَامِ رَاقِدًا،
 وَلَا تُشْمِتْ بِي عَدُوًا حَاسِدًا، وَاللَّهُمَّ إِنِّي
 أَسْأَلُكَ مِنْ كُلِّ خَيْرٍ خَزَائِنُهُ بِيَدِكَ، وَأَعُوذُ
 بِكَ مِنْ كُلِّ شَرٍّ خَزَائِنُهُ بِيَدِكَ»

⁹⁹ Сунани Абу Довуд, 1510. Ҳадис ҳукми: «саҳиҳ». Манба: «Саҳиҳ ал-Жомеъ ас-сағир, 3485».



100. Аллоҳим, мени тик турган ҳолимда ҳам, ўтирган ҳолимда ҳам, ётган ҳолимда ҳам Исломда сақлагин, ҳасадчи ва душманларни менинг устимдан кулдириб қўймагин. Аллоҳим, Ҳузурингдаги барча яхшилик хазиналарини сўрайман ва Ҳузурингдаги барча ёмонлик хазиналаридан паноҳ тилайман.¹⁰⁰


﴿رَبَّنَا تَقَبَّلْ مِنَّا إِنَّكَ أَنْتَ السَّمِيعُ الْعَلِيمُ﴾

«Раббимиз, биздан (ушбу қилган амалимизни) Ўзинг қабул айла. Шубҳасиз, Сен эшитгувчи, билгувчисан!*

¹⁰⁰ Ҳоким, 1924. Ҳадис ҳукми: «ҳасан». Манба: «Асирож ал-мунир, 7108».

* Бақара: 127.





ҚУРЬОНИ КАРИМДАН
ВА САҲИҲ СУННАТДАН

100 дуо

1443 ҳ. – 2022 м.



<https://t.me/haramaynbot>



ВАҚФ КАРВОНИГА ҚҰШИЛИНГ

Хурматли зиёратчи! Қўлингиздаги ушбу китоб "Haramayn vaqfi" тарафидан умра зиёратчилариға бепул тарқатиш учун чоп этилган. Макка ва Мадина шаҳрига келган зиёратчилар ҳамда гурухбошчилар қўйидаги Telegram боти орқали бизга мурожаат қилиб, китоблардан керакли микдорда бепул талаб қилишлари мумкин.

Шунингдек, ҳар бир киши "Умра аҳкомлари" ва "100 дуо" китобларини чоп этилиши учун ўз ҳиссасини қўшиш имконига эга. Ушбу вакф карвонига қўшилишни истаганлар қўйидаги Telegram боти орқали биз билан боғланиб, тўлов учун банк ҳисоб рақамлари ва тўлов услублари ҳақида маълумот олишлари мумкин.

 @haramaynbot

Аллоҳ таоло барчамизни Ўзи рози бўладиган ва Ўзи яхши кўрадиган амалларга мувофиқ қилсин!
Аллоҳумма амин.